2013 ЙИЛ 19 АПРЕЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 78 (12.389)

Баҳоси эркин нархда


## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 апрель куни Оқсаройда «Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жаони қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ОТБга ривожланиш йўлидаги муҳим стратегик ҳамкор сифатида қаралишини таъкидлади.

Ўзаро ҳамкорлик ўрнатилганидан буён, 2013 йил 1 апрель ҳолатига кўра, ОТБ Ўзбекистонга қиймати 13,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ лойиҳалар учун 48 заём пакети ажратишни маъқуллаган. Шунинг қарийб 4,5 миллиард долларлик қисми ОТБ томонидан молиялаштирилади. Амалдаги кредит портфели ҳажми бўйича ОТБ халқаро институтлар орасида етакчи ўрин эгаллайди. Хусусан, 2012 йилда қиймати 876 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳаларни молиялаштириш маъқулланди. Жорий йилда эса 837 миллион долларлик лойиҳаларни молиялаштиришни маъқуллаш кўзда тутилмоқда.

Ҳамкорликдаги лойиҳалар транспорт инфратузилмалари, қишлоқ хўжалиги, умумий ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими, коммунал хўжалик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, уй-жой қурилиши, шунингдек, энергия ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш каби йўналишларни қамраб олади.

ОТБ қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс дастурни амалга оширишда катта ёрдам кўрсатмоқда ва шу мақсад учун 500 миллион доллар маблағ ажратган. Ушбу дастурнинг юксак натижалари – қишлоқ ҳудудларида 23 мингдан зиёд замонавий, шинам ва қулай уйлар барпо этилди, 70 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди, қарийб 700 ижтимоий инфратузилма объекти қурилди.

Шиао Жао қишлоқ жойларда уй-жой қуриш дастурининг ноёблигини қайд этар экан, муқобили бўлмаган ушбу модель ҳар томонлама чуқур ўрганишга муносиб эканини таъкидлади.

Ўзбекистон билан ОТБ ўртасидаги ҳамкорликнинг нафақат салмоғи ошмоқда, балки йўналишлари ҳам кенгаймоқда. Буни сўнгги йилларда қайта тикланувчи энергия манбаларининг улкан имкониятларидан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик йўлга қўйилганида ҳам кўриш мумкин. Юқори технологияли лойиҳа – Самарқанд вилоятида минтақадаги биринчи, қуввати 100 МВтни ташкил қилувчи қуёш фотоэлектрик станциясини барпо этиш лойиҳаси алоҳида эътиборга сазовордир. Бугунги кунда ОТБ томонидан ушбу лойиҳанинг техник-иқтисодий асослари ишлаб чиқилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда томонлар ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шиао Жао самимий меҳмондўстлик ва ғоят муҳим аҳамиятга эга конференция ташкил этилгани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик изҳор этди.

**(ЎзА)**

***Жорий йил 22-26 апрель кунлари Тошкентда «Central Asia-2013 – фан, таълим, маданият ва бизнесда ахборот-кутубхона ресурслари» мавзуида 7-халқаро конференция бўлиб ўтади.***

Анжуманлар

## ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ АРАФАСИДА

Ушбу тадбир арафасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида халқаро конференцияни ташкил этиш масалалари ва кутубхона фаолиятининг ҳозирги кундаги ҳолати муҳокама этилди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хўжаев йилига икки марта ўтказиладиган «Central Asia – фан, таълим, маданият ва бизнесда ахборот-кутубхона ресурслари» халқаро конференцияси ахборот-кутубхона муассасалари, ўқув юртлари, архивлар, музейлар ва бошқа ташкилотларнинг турли соҳаларда электрон ахборот ресурсларини ривожлантириш ва қўллаш бўйича амалий ҳамда самарали ҳамкорлик борасидаги фаолиятини кучайтиришга кўмаклашишини таъкидлади.

Жорий йилда тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, бошқа қатор идора ҳамда ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.

Халқаро конференция доирасида мамлакатимиз ва хориж мутахассислари Ўзбекистонда ахборот-кутубхона фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базасини кўриб чиқади, фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида ахборот-кутубхона ресурсларини ривожлантиришга доир маърузалар ўқийди, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш масалаларини муҳокама этади.

Матбуот анжуманида мамлакатимизда барча ахборот-кутубхона муассасалари учун мувофиқлаштирувчи ҳамда услубий марказ вазифасини бажарадиган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолиятига тааллуқли ахборот тақдим этилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 20 мартда қабул қилинган «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда аҳолининг интеллектуал, билим олиш, таълим, маънавий-маърифий ва маданий эҳтиёжларини ҳар томонлама таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар ва ахборот ресурс базаси яратилмоқда. Жумладан, 2013 йилнинг ўтган даврида кутубхона фонди 19,5 мингдан зиёд нусхага кўпайди ва айни пайтда 6,5 миллиондан ошди.

Электрон ресурсларни ташкил этиш ва электрон каталогларни тўлдиришга доир ишлар давом этмоқда. Жорий йил бошидан буён Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимлари томонидан китобхонлар ўртасида талаб юқори бўлган уч мингдан ортиқ китобнинг электрон нусхалари яратилди. Умуман, 380 минг электрон библиография маълумоти, шунингдек, 314 мингдан зиёд нашрларнинг электрон шакллари яратилди.

Ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда кутубхонанинг ўқиш залларида турли мавзуларга бағишланган ва шахсий ўн учта кўргазма, шунингдек, кутубхонага келган янги китобларнинг тўртта тақдимоти ўтказилди. Ўнлаб маънавий-маърифий тадбирлар – адабий кечалар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, танловлар бўлиб ўтди.

**С.ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

## ТУРИЗМ РИВОЖИ ЙЎЛИДА

***Кеча «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида «Дам олиш дунёси» биринчи халқаро ўзбек туристик кўргазмаси бошланди.***

Ўзбекистоннинг миллий маданий меросини хорижда кенг тарғиб қилиш, республикага чет эллик сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш, юртимизда ички туризмни ривожлантириш мақсадида уюштирилган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, Савдо ва инвестициялар вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг кўмагида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда бугунги кунда туризм индустрияси ривожига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан хизмат кўрсатиш соҳаси республика иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Бой тарихий-маданий меросимиз, бетакрор моддий ва номоддий маданий қадриятлар, юртимиздаги етти иқлимга машҳур нафис меъморий обидалар, табиий-географик қулайликлар — буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон туристик бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Турли тарихий давр ва цивилизацияларга оид етти мингдан зиёд моддий-маданий мерос объектлари, жумладан ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган Бухоро, Хива, Самарқанд ва Шаҳрисабз каби қадимий обидалари Ўзбекистоннинг бу соҳадаги катта салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради.

Маълумки, 1995 йилдан эътиборан, ҳар йили куз мавсумида Ўзбекистонда жаҳон миқёсидаги йирик анжуманлардан бири – «Ипак йўлидаги туризм» Тошкент халқаро туристик кўргазмаси ўтказиб келинади. Кўргазма ўтган давр мобайнида нафақат маҳаллий, балки жаҳон туристик ҳамжамиятининг хорижий вакиллари орасида ҳам шуҳрат қозониб, эътироф этиб келинмоқда.

2007 йилдан 2012 йилга қадар республикамизда баҳорий туристик анжуман – Workshop бир кунлик иш форуми ўтказиб келинган. У мавсум арафасида туроператор ва меҳмонхона хўжаликлари вакилларига ўз туристик маҳсулотини бозорда илгари суришлари учун имконият яратишга йўналтирилган эди.

Хорижий ҳамкорларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқишининг ортиб бораётганлиги, шунингдек, мамлакатимизда ички туризмнинг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини инобатга олган ҳолда, янги баҳорий лойиҳа «Дам олиш дунёси» халқаро ўзбек туристик кўргазмаси UITF-2013ни ташкил этишга қарор қилинди.

UITF-2013 – Ўзбекистонда баҳор-ёз туристик мавсумини очадиган янги лойиҳа бўлиб, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга, хусусан, чет эллик сайёҳларни қабул қилиш ва маҳаллий фуқароларни хорижга жўнатиш ҳамда ички туризмни такомиллаштиришга қаратилгандир.

Сўнги йилларда мамлакатимизда сайёҳлик соҳаси ривожланиб, республикамиз фуқароларига туристик хизматлар кўрсатиш суръатлари ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда юртимиз аҳолисининг уч фоизи дунёнинг турли мамлакатларига саёҳат қилмоқда. 2008 йилда бу кўрсаткич бир фоизни ташкил этган.

Кўргазмадан кўзланган мақсад маҳаллий ва хорижий туроператорлар ҳамда республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган кичик туристик бюролар ва агентликларга янги мавсумда ўз туристик маҳсулот ва хизматлари бўйича таклифларини илгари суриш, хорижий ва маҳаллий йирик корпоратив мижозлар билан шартномалар тузиш ёхуд уларни янгилаш, шунингдек, соҳадаги янгиликлардан бохабар бўлишга имконият ва замин яратишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларга мўлжалланган туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш юзасидан, «Дам олиш дунёси» кўргазмасида Хоразм вилоятининг туристик имкониятларига бағишланган экспозиция намойиш этилди.

Қарорга асосан 2013-2015 йилларда Хоразмда жами 192 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бунинг натижасида вилоят иқтисодиётига 86,8 миллион доллар хорижий инвестиция киритилади.

Бундан ташқари, республикада ҳодисавий туризмнинг муҳим элементи сифатида «Ош байрами» PilafFest фестивалининг ўтказилиши ҳам юртимизда ички туризмни янада ривожлантиришга, халқимизнинг бебаҳо номоддий маданий мероси, жумладан, миллий ошпазлик санъатини янада ривожлантириб, хорижда илгари суришга хизмат қилади.

**Абдуалим САЛИМОВ**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Гулистон шаҳрида ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда Сирдарё вилоятида фаолият кўрсатаётган юздан зиёд корхона, ташкилот ҳамда якка тартибда иш олиб бораётган тадбиркорлар ўз маҳсулотларини намойиш этди. Ярмаркада хомашё, бутловчи қисмлар ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича бир қанча шартномалар имзоланди.**

**● Мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган «Биз – бир жамоа, биз – бир оиламиз» ёшлар ижтимоий акцияси Наманган шаҳрида ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Мазкур акция «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилди.**

**● Навоий шаҳрида «Истиқлол ғунчалари» болалар ижодиёти фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлод вакилларининг замонавий билим олиши, мактабдан ташқари вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни турли тўгарак машғулотларига кенг жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.**

**● Жиззахда «Соғлом авлод – миллат келажаги» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Тадбир доирасида болаларнинг тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмаси, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва бадиий жамоалар концерти, ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.**

**● Андижон шаҳрида Венгрия Республикасининг сайёҳлик имкониятлари ҳамда мазкур мамлакатнинг «Кёзвилсер» компанияси хизматлари тақдимотига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни, хусусан сайёҳлик соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари хусусида сўз юритилди.**

### ЖАҲОНДА

**● АҚШдаги Майами аэропортида шубҳали буюм топилганидан сўнг мамлакатдаги ички рейсларга хизмат кўрсатувчи залдаги ўтказув пункти атрофидаги одамлар хавфсиз жойларга кўчирилди. Маълум бўлишича, мазкур хавфли предмет йўловчилардан бири ёнида олиб юрган граната шаклидаги ёндиргич экан.**

**● Покистон маъмурияти 40 дан ортиқ кишининг ҳаётига зомин бўлган кучли зилзила натижаларига барҳам бериш учун ёрдам сўраб халқаро ташкилотларга мурожаат қилди.**

**● Перуда автобуснинг тоғ йўлида жарга қулаши натижасида йигирма олти киши ҳалок бўлди. Автоҳалокат мамлакат пойтахти Лима шаҳридан 570 километр узоқликдаги Отуско шаҳарчаси ёнида содир бўлган. Маҳаллий ҳукумат вакилларининг таъкидлашича, мазкур автоҳалокат ҳайдовчининг айби ва автобуснинг техник ҳолати ёмонлигидан юз берган.**

**● Ҳиндистоннинг Бихор штатидан Карнатака штати томон йўлга чиққан поезднинг издан чиқиб кетиши натижасида ўнлаб одамлар ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирча ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар сони ҳамда ҳалокатнинг сабаби тўғрисида маълумотлар йўқ.**

**● Кеча Бағдод чеккасидаги савдо марказининг иккинчи қаватида жойлашган қаҳвахонада террорчи-камикадзенинг бомба портлатиши натижасида камида 27 киши ҳалок бўлди, 50 дан ортиқ одам жароҳатланди.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида «Парламент назорати ва оммавий ахборот воситалари» мавзусида конференция ташкил этилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент Тиббиёт академиясида анъанавий тарзда ўтказиладиган спорт мусобақаларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** «Ўзкўргазмасавдо» марказида Тошкент шаҳар ҳудудий саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўз ишини бошлади.

# ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

Илгари хабар қилинганидек, жорий йилнинг 12 май куни 9-Салор, 15-Феруза (Мирзо Улуғбек тумани) ва 27-Дўстлик (Сергели тумани) сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайлови ўтказилади.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, шунингдек шаҳар сайлов комиссиясининг ушбу сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тузилган тегишли округ сайлов комиссиялари ўз ваколатига киришди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясига мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг Тошкент шаҳар кенгашларидан бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди.

Шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларга сайловда иштирок этишига рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 21,44-моддаларига мувофиқ қарорда сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати сайлов комиссиясига аризалар келиб тушиши навбатига қараб қуйидаги тартибда қайд этилди: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси.

Шаҳар комиссиясининг чора-тадбирлар режасига асосан эндиликда сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳар кенгашлари депутатликка номзодлар бўйича маълумотларни тақдим этиши лозим.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

**2013 йил — Обод турмуш йили**

# ОБОДЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди бошқаруви раиси М.Ширинова ва бошқалар «Обод турмуш йили» Давлат дастурида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида муҳим вазифалар белгиланганини таъкидлади.

2012 йилда Парламент комиссияси томонидан давлат гранти, субсидия ва ижтимоий буюртмани амалга ошириш учун 6 миллиард сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилиб, бунда жамоат ташкилотларининг 234 лойиҳаси молиялаштирилди. Натижада 1500 га яқин нодавлат нотижорат ташкилоти ва фуқаролик жамияти институтларининг экология, атроф-муҳитни асраш, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг ҳуқуқий онгини янада юксалтириш йўналишидаги лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги эзгу ишлар кўлами янада ортмоқда. Жумладан, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти каби жамоат тузилмалари ҳамкорлигида «Обод уйим» танловини ўтказиш режалаштирилган. Ундан кўзланган асосий мақсад маҳаллалар ва уларга туташ ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, чекка ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид лойиҳаларга жамоат ташкилотларини кенг жалб этишдан иборатдир.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қарори*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БОЗОРЛАР ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА УНДИРИЛАДИГАН БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМЛАР, ИЖАРА ТЎЛОВЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИНИНГ ЯНГИ МИҚДОРЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1326-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 7 январдаги 1-сонли ҳамда 2013-1-сонли қўшма қарори билан «Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорлари» тасдиқланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддасига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар тасдиқлансин:

Бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти томонидан ундириладиган бир марталик йиғимларнинг минимал миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

«Iste'molda bo`lgan transport vositalari va ehtiyot qismlar Sergeli bozori» масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириладиган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари ва «O`rikzor ixtisoslashgan bozori» масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган хизматлар учун ундириладиган тўловлар ҳамда ижара ҳақи миқдорлари 1-1 ва 1-2 иловага мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплексларида инвентарларни ижарага бериш ва кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловларнинг миқдорлари 2 ва 2-1-иловаларга мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва бошқа мол-мулкдан ҳамда бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг минимал миқдорлари 3-иловага мувофиқ;

бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги бино, иншоот ва қурилмалар эгаларидан бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун ижара тўлови миқдорлари 4-иловага мувофиқ.

2. Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти (Р.Абдумажитов), Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент шаҳар бўлими (Р.Раимов), Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси (У.Баходиров), «Тошбозорсавдо» уюшмаси (А.Хамраев):

бозорлар ва савдо комплекслари маъмурияти билан биргаликда бозорлар ва савдо комплексларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш бўйича белгиланган тартибда зарур тадбирлар ўтказилишини таъминласин.

3. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

4. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2012 йил 18 апрелдаги «Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириладиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг янги миқдорларини жорий этиш тўғрисида»ги 144/4-13-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари**
**Тошкент шаҳар Кенгаши раиси**
**Р.Усманов**

*2013 йил 9 апрель*

***● Қарорнинг иловалар қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Toshkent.uz сайтида танишишингиз мумкин.***

***Кеча шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида ўз ишини бошлаган уч кунлик кўргазмали семинар Президентимиз томонидан мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, ҳисоботлар ва рухсат берувчи тартиб-таомилларни қисқартириш ва соддалаштириш борасида тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар, имтиёзлар, афзалликлар ва енгилликлар мазмун-моҳиятидан корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, бош ҳисобчилари ҳамда кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадларига бағишланди.***

**Ислоҳотлар оқимида**

# ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ МАҚСАДИДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган семинарга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси ва бошқа мутасадди вазирлик ҳамда идораларнинг масъул ходимлари, Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари вакиллари, ҳисобчилар иштирок этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган



фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор қулай имкониятлар яратилди. Жумладан, ўтган 2012 йилда икки турдаги молиявий ҳисобот шакллари ҳамда давлат органлари ва хўжалик бошқарувлари томонидан доимий равишда талаб қилиб келинаётган 50 турдаги бошқа ҳисоботлар, 80 турдаги рухсат берувчи тартиблар ва 11 та лицензияланадиган фаолият турлари бекор қилинди. Шунингдек, 2013 йилдан бошлаб 12 турдаги солиқ ҳисоботларини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши, 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар бирлаштирилиб, 5 тага туширилиши белгиланди.

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш борасида қонун ҳужжатлари асосида қатор солиқ имтиёзлари ва афзалликлари белгиланган, — дейди Олмазор тумани ДСИ бўлим бошлиғи Дониёр Усмонов. — Жумладан, Президентимиз Фармони талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни билан Солиқ кодексининг 29 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Шу асосда, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 4 мартдаги «Солиқ ҳисоботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан солиқ ҳисоботи шакллари янгидан қабул қилиниб, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди.

Эндиликда, солиқ тўловчилар янгидан тасдиқланган шакл ва тартиб-қоидалар асосида ҳисоботларни тақдим этадилар.

Янги солиқ ҳисоботи шакллари уларни соддалаштириш, сонини қисқартириш ва солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, қайта ишлаш йўли билан такомиллаштирилди. Солиқ солинадиган объектнинг бир хиллигидан келиб чиқиб, айрим солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисобот шакллари гуруҳлаштирилиб, ягона шаклларга келтирилди.

Агар 2012 йилда солиқ тўловчилар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича иккита шаклни тўлдириб ҳисоботни тақдим этган бўлсалар, 2013 йилдан бошлаб улар ушбу иккала солиқ бўйича фақат 1 та шаклни тўлдирадиган бўлишди. Ушбу солиқлар бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш учун маълумотномалар ҳам битта шаклга бирлаштирилди.

Ўтган йиллари йирик корхоналар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобот даври ойлик сифатида белгиланган бўлса, жорий йилдан бошлаб у чораклика ўтказилди. Шу сабабли, аксарият солиқ тўловчилар томонидан қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи якун билан ҳар чоракда, ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича 15 февралга қадар тақдим этилади.

Кўргазмали семинар давомида йиғилганларга солиқ ҳисоботининг янги шакллари давлат солиқ хизмати органларига жорий йилнинг биринчи чорагидан бошлаб тақдим этилиши, ўтган йил учун солиқ ҳисоботлари ҳамда ўтган давр учун аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари 2012 йилда амалда бўлган шакллар бўйича тақдим этилиши лозимлиги тўғрисида батафсил маълумот берилиб, ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

Таъкидлаш жоизки, молиявий ва солиқ ҳисоботларининг янги шакллари (бланкалари) Давлат солиқ қўмитасининг расмий www.soliq.uz сайтига жойлаштирилган. Бундан ташқари, солиқ тўловчилар расмий сайтдаги интерактив хизматлар, хусусан, молиявий ва солиқ ҳисоботларини интернет тармоғи орқали жўнатиш ва қабул қилиш тизими орқали электрон кўринишда тақдим этишлари учун барча шароитлар яратилган.

— Бизнинг асосий фаолиятимиз халқаро юк ташишни амалга оширишдан иборатдир, — дейди Учтепа туманида жойлашган «Easy trans servis» масъулияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси Сайёра Исматова. — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмали семинарда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда. Шунингдек, ўзгаришлар натижасида юзага келган саволларга атрофлича жавоб олиш имконияти яратилганидан мамнунман. Фаолият туримизга боғлиқ ушбу солиқ ҳисоботлари шаклларининг камайтирилганлигини тушуниб етдим. Енгилликлар яратилгани қувонарлидир. Солиқ инспекциясига ҳар бир ҳужжатларни интерактив кўринишда тақдим этиш орқали анча қулайлик яратилганини таъкидлаш даркор. Юртбошимиз ташаббуслари билан солиқ тизимида берилаётган енгилликлар тадбиркорликни янада ривожланишига кенг имкониятлар яратмоқда.

Кўргазмали семинар давомида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида фаолият олиб борувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан ўртага ташланган барча муаммоли саволларга мутасадди вакиллар томонидан батафсил жавоблар берилди.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан тайёрланган плакат ва буклетлар, «Солиқ инфо» газетасининг махсус сони, шунингдек, видеоролик, слайдлар иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

Умуман олганда, янги солиқ ҳисоботи шакллари мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари учун юқори даражада қулай шароитларни яратиш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида халқаро меъёрлар ва стандартларга мослаштирилмоқда. Биз барча қизиқувчиларни кўргазмали семинарга таклиф қилиб қоламиз, мазкур тадбир 20 апрелга қадар давом этади.

**Зиёда РАСУЛОВА**
**Ислом Исмоилов олган сурат**

**Фестиваллар**

# ТОШКЕНТ — МЕҲМОНДЎСТ ШАҲАР

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан «Тошкент — меҳмондўст шаҳар» мавзуида фестиваль ташкил этилди.***

Унда тумандаги 450 дан ортиқ таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда тузилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти етакчилари, таълим муассасаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирок этишди.

Унда туманда жойлашган барча академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳри ва 12 та вилоятимиз урф-одатларига асосланган ҳолда «Хуш келибсиз, азиз меҳмон», «Вилоят тарихини ўрганамиз», «Байраминг муборак, юртим» мавзуларида чиқишлар қилинди, умумтаълим мактаблари ўқувчилари миллий таомлар тайёрлаш маҳоратини намойиш этишди, тумандаги «Баркамол авлод» маркази ҳамда мактаблар қошида ташкил этилган ижодий ишлар кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбир давомида тумандаги «Баркамол авлод» маркази, ҳаваскор хонандалар, эстрада юлдузлари, театр актёрлари, шоирлар иштирокида театрлашган томошалар ташкил этилди.

– Биз бу фестивални ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келмоқдамиз, – дейди «Камалак» болалар ташкилоти Чилонзор тумани бўлими раиси Беҳзод Каримов. – Мақсад қилганимиздек туманимиз ёшлари ва ҳаракат аъзоларининг онгида миллий маънавиятимиз ва анъаналаримизнинг теран илдиз отишига мушарраф бўлдик десак, адашмаймиз.

– Фестивални ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, уларнинг қалбида миллий урф-одат, анъаналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш, ёшлар орасида қадрият ва анъаналаримизни кенг тарғиб этишдан иборат, – дейди «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман бўлими Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов. – Тадбир доирасида тайёрланган миллий таомлар тумандаги Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернат ва боқувчисини йўқотган ёлғиз қарияларга улашилди.

«Тошкент — меҳмондўст шаҳар» фестивали иштирокчилари тўртта шарт асосида беллашишди ва ҳакамлар ҳайъати томонидан маҳоратлари оқилона баҳоланди.

– Биласизми, қуръага кўра бизнинг таълим муассасамизга Бухоро вилоятининг урф-одатлари тушган эди, – дейди Чилонзор коммунал хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Дилноза Бадриддинова. – Тўғриси, кўҳна ва навқирон Бухоро вилояти тарихи ва ўтмиши, маданиятини чуқур ўрганиш борасида кўп изландик. Айрим маълумотларни энциклопедиядан излашга тўғри келди. Изланишимиз ўз самарасини бериб, ғолиблар сафини бошқаришга муваффақ бўлдик.

Фестиваль якунида ғолиб ва совриндор жамоаларга «Камолот» ЁИҲ томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Камола МАҲАМЕДОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

***Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 январдаги фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2013 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режа»сига асосан М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг пойтахтимиздаги филиалида «Ёшларнинг таълим-тарбияси — обод турмуш пойдевори» деб номланган илмий-амалий анжуман ўтказилди.***

## 2013 йил — Обод турмуш йили

# БАРКАМОЛ АВЛОД ИСТИҚБОЛЛАРИ

Унда мамлакатимизнинг таниқли олимлари, олий ўқув юртлари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, катта илмий ходимлар ва журналистлар иштирок этган.

Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази ҳамда М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ҳамкорлигида ташкил қилинди.

Анжуманнинг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад, глобаллашув ва таълимни модернизациялашни инобатга олган ҳолда ҳозирги замон шароитида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясининг асосий йўналишларини белгилаб олишдан иборатдир.

Анжуманда узлуксиз таълим жараёнида жамият фаровонлиги ва ободлиги, ёш авлод таълим-тарбиясининг назарий асослари, йўллари ва механизмлари таҳлил қилинди, мазкур йўналиш бўйича уларни амалга татбиқ этишга оид назарий ёндашувлар умумлаштирилди.

Шунингдек тадбирда, ёшларнинг касб-ҳунар эгаллаши жараёнида баркамол шахсни шакллантиришга оид илмий тадқиқотлар натижалари кўриб чиқилди. Келажак авлодни тарбиялаш бўйича профилактика мақсадидаги дастурни ишлаб чиқиш учун тавсиялар умумлаштирилди.

Мамлакатимизнинг обод ва фаровон бўлиши йўлида баркамол авлодни шакллантириш шарт-шароитлари, омиллари ва истиқболлари, инсон ҳаётий фаолиятининг ижтимоий-психологик асослари ҳақидаги мавзулар муҳокама қилинди. Ёшлар таълимида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари, узлуксиз таълим тизимини молиялаштиришнинг иқтисодий жиҳатлари, хорижий тилларни ўрганишни такомиллаштиришнинг замонавий шакл ва усуллари, оила институтини мустаҳкамлашга оид илмий-амалий ёндашувлар хусусида мулоҳазали фикрлар билдирилди.

Анжуман сўнгида «Обод турмуш йили» Давлат дастурини амалга оширишда ёшлар таълим-тарбияси, назарий ва амалий муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий-методик ва амалий тавсиялар қабул қилинди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**



## Танловлар

# НАМУНАЛИ КИТОБСЕВАРЛАР АНИҚЛАНДИ

***Республика Болалар кутубхонасида 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан оилавий китобхонликни тарғиб этиш мақсадида «Китобсеварлар» Республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.***

Унда Халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилояти ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти масъул ходимлари, болалар шоири ва таржимон Турсунбой Адашбоев ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мазкур танловда Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят ва Тошкент шаҳридан ғолиб чиққан китобсевар оилалар иштирок этди.

Китоб инсоннинг ақлий тараққиёти ва маънавий камолотига ёрдам берувчи, илм дурдоналарини тўплаб, авлодларга етказувчи, ўтмишни, бугун ва эртанги кунга боғлаб турувчи маънавий бойликдир. Билим манбаи бўлган китобни севиш, уни ўқиш маданиятини шакллантириш, мактабларда ақлан ва жисмонан баркамол ўқувчиларни камол топтириш, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, ўқувчиларни кўпроқ кутубхоналарга жалб қилиш, маънавий тушунчаларни бойитиб бориш, миллий ва ахлоқий, ҳуқуқий тарбияни, бой адабий меросимизга бўлган меҳрни шакллантириш муҳим вазифалар сирасига киради.

Кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад китобхонликни тарғиб қилиш орқали ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда мустақил ва танқидий фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, маънавий таҳдидларга нисбатан соғлом иммунитетни ривожлантириш, ўқувчиларга миллий ва жаҳон адабиётларини тизимли тарғиб қилиш орқали уларнинг қалбида ватанпарварлик, эзгулик, инсонпарварлик сингари юксак инсоний фазилатларга нисбатан меҳр ва муҳаббат уйғотиш ҳамда ахборот олиш маданиятини шакллантириш, таълим муассасаларида китобсевар ўқувчиларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш ва бошқаларга ўрнак сифатида кўрсатиш ҳамда уларнинг ота-оналарининг ижодий фаоллигини оширишдан иборатдир.

Танлов бешта шартдан иборат бўлиб, биринчи шартда ўқувчи ўз оиласи ҳақида маълумот беради. Миллий урф-одатларимиз, ўзбекона лутф ва ахлоқ талабларига жавоб бериш саҳналари кўрсатиб берилди. Иккинчи шарт «Оилавий компьютер саводхонлиги» деб номланиб, унда танлов иштирокчиларининг компьютерни ишга тушириш, «Microsoft word», «Excel», «Power point» дастурларидан фойдалана олиши синовдан ўтказилди. Учинчи шартда иштирокчиларнинг истеъдодлари намойиш этилди. Иштирокчи ўзи ёзган шеър, ҳикоя, эртаклардан парчалар ўқиб бериб, чизган расмлари, ижодидан намуналар тақдим этади. Тўртинчи шартда иштирокчи ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган шеърни ифодали ўқиб бериши лозим бўлса, бешинчи шартда ўзи ўқиган бадиий адабиётлар ва уларнинг мазмуни ҳақида сўзлаб бериш бўйича беллашди.

Танловда иштирокчилар олган баллари билан баҳоланиб, ғолиблар аниқланди ва муносиб тақдирланди.

**Бобомурод ИБРАГИМОВ,**
**Республика Болалар кутубхонаси Илмий-услубиёт ва мактаб ахборот ресурс марказлари мутахассисларининг малакасини ошириш бўлими ходими**

***Неча-неча асрлар оша замонлар залворини аждоддан авлодга етказаётган, инсониятни буюк тамаддунларга етаклаётган ва унинг шон-шуҳратини ўзида абадул-абад муҳрлаб келаётган нодир асарларнинг ҳаётимиздаги ўрни беқиёсдир. Улар ёшлар қалбида юксак маънавиятни шакллантиришга, инсонларнинг дунёқарашини бойитишга улкан ҳисса қўшмоқда.***

## Маънавият

# НОДИР АСАРЛАР — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Инсонни юксакликка етакловчи маърифат марказларининг республикамизнинг барча вилоят, туман, шаҳарларида барпо этилганлигини кўриб кўзимиз қувонади. Бу масканлар ёшларнинг камол топишида, уларнинг маънан етук салоҳият эгаси бўлиб етишишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ана шундай марказлардан бири Ўзбекистон Миллий кутубхонасидир. Бугунги кунда ушбу Маърифат марказининг миллий ва чет эл босма маҳсулотларидан ўн миллионга яқин заҳираси бор. 3,5 миллиондан ортиқ миллий матбуот нашрлари кутубхона тасарруфидаги Республика Миллий китоб палатасида сақланмоқда. Бу ердаги XV–XIX асрларга оид 200 мингдан ортиқ нодир асар нусхаларидан иборат ўта қимматли тўпламлардан 6 мингтаси ноёб ва қадимий асарлар, қўлёзмалар ҳамда биринчи миллий журналлар ва газеталардир. Китобхонлар учун барча ўқув залларида электрон каталог, интернет ва электрон базаларга кира оладиган компьютерлар ўрнатилган. Шунингдек, ўқув заллари, якка фойдаланувчиларга мўлжалланган ўринлар билан таъминланган.

Кутубхонадан фойдаланувчиларнинг 80 фоизини ёшлар ташкил этади. Бу эса уларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия олаётганликларидан далолат беради.

Китобга ошно бўлган ҳолда маънавияти юксак, билими теран бўлиб етишаётган ёшлар келгусида юртни фаровон қилади, мамлакат тараққиётини тезлаштиради. Чунки китоб азал-азалдан ғоялар сарчашмаси ҳисобланади.

**Оқила БАҲРОМОВА**
**ЎзДЖТУ талабаси**

## Қарор ва ижро

# САМАРАЛИ ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

***Юртбошимиз томонидан 2012 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор кўпчилик сингари, шу соҳа мутахассиси сифатида менинг ҳам қалбимни тўлқинлантириб юборди.***

Ушбу қарорнинг ёшлар, баркамол авлод тарбиясида, қолаверса жамиятимиздаги тутган ўрни беқиёсдир. Гўзал ва бетакрор Ватанимиз шарафини янада улуғлашга хизмат қиладиган, уни тенглар ичра тенг қиладиган ҳамда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни дунё ҳамжамиятига намоён этадиган бу меъёрий ҳужжат халқимиз, айниқса ёшларимиз ўртасида хорижий тилларни, жумладан инглиз тилини ўрганишга ниҳоятда қизиқиш кучайган бир пайтда ўз вақтида қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маълумки, инглиз тили кўплаб давлатларнинг, шу жумладан БМТнинг энг кўп қўлланиладиган 6 та расмий ва иш тилидан бири ҳисобланади. Айни пайтда бутун дунё бўйлаб салкам 410 млн аҳоли инглиз тилини ўз она тили деб билса, бир миллиардга яқин дунё аҳолиси бевосита инглиз тилида ўзаро ёзишма олиб борада ва мулоқот қилади.

Бундан ташқари ҳаётимизга жадал кириб келаётган замонавий алоқа ва ахборот технологияларини, интернет ресурсларини инглиз тилисиз тасаввур этиш қийин.

Ўз ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, фан ва технология янгиликлари, энг сўнгги ютуқлар ва кашфиётларнинг аксарияти бирламчи тарзда инглиз тилидаги интернет ресурсларида берилади.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда интерактив бўлиш, фазовий тезлик билан янгиланаётган жаҳон билан ҳамнафас бўлиб яшаш учун инглиз тилини билиш, тушуниш ва ижод қилишнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Инглиз тили ўқитувчиси сифатида Юртбошимиз томонидан юқорида қабул қилинган қарор ижросига масъул эканлигимдан беҳад мамнунман. Олмазор туманида жойлашган Тошкент банк коллежида дарс бераман. Инглиз тили ўқитувчиси деган шарафли касбимдан фахрланаман. Ушбу қарор менга ва менга ўхшаганларга бир қанот бўлди. Инглиз тилига бағишланган семинарлар, суҳбатлар, викториналар ва бошқа шу каби тадбирларга қизиқиш ортди. Педагогика университетида барча инглиз тили ўқитувчиларининг малака ошириш курслари ташкил этилди.

Коллежимизнинг педагогик жамоаси хоҳиш ва истаклари асосида барча ўқитувчилар учун инглиз тили тўгараги ташкил этилди. Бундан ташқари жамоамиз аъзоларининг хоҳиш ва истаклари инобатга олиниб, тил ўрганишга қизиқиши бўлган коллежнинг барча ўқитувчилари ва талаба-ёшлари учун инглиз тилини ўрганиш бўйича очиқ машғулот ва дарслар ташкил этилди. Замонавий ахборот технологиялари кўмагида ўтказиладиган бу амалий машғулотларга бўлган қизиқиш эса кундан кунга ортиб бормоқда.

Халқимизда «Тил билганни эл билади» деган нақл бор. Пурмаъноли бу нақлда чуқур ва теран мазмун мужассам этилган. Юртимиз мустақиллиги туфайли дунё бизни таниди, биз эса дунёни. Айнан Ватанимиз истиқлоли туфайли ўзбек фарзанди дунё кезмоқда. Уларнинг тил билиши, ҳар томонлама ақлли ва донолиги, билимга чанқоқлиги, маънавий томондан етуклиги дунё аҳлини лол қолдиряпти десам муболаға бўлмайди.

Юқоридаги қарорга асосан, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида чет тилларни, асосан, инглиз тилини ўрганиш умумтаълим мактабларининг 1-синфларидан бошланади, демак бундан буён етукликка интилиш тамал тоши болаликда қўйилади.

**Нодира АЗИЗОВА,**
**Олмазор туманидаги Тошкент банк коллежининг инглиз тили ўқитувчиси**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ**
**ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги Р-2146-сонли Фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| № | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| | Директорлик лавозимига | |
| 1 | Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи | Ҳамза тумани, Темирчи кўчаси, 53-уй |
| 2 | Тошкент қурилиш коммунал касб-ҳунар коллежи | Учтепа тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 485-уй |
| 3 | Тошкент архитектура ва қурилиш институти қошидаги академик лицей | Олмазор тумани, Шимолий Олмазор кўчаси, 7а-уй |

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагог ҳамда раҳбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

*Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:*

*1.Сўровнома (справка-объективка).*
*2.Таржимаи ҳол.*
*3.Олий маълумот ҳақида дипломнинг нусхаси.*
*4.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса)*
*ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари.*
*5.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).*
*6.3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат.*
*7.Паспорт (нусхаси).*
*8.Тавсифнома.*
*9.Меҳнат дафтарчасидан нусха.*

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.
Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

**Мурожаат учун манзил:** **Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Тел: 252-23-35.**

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Бўка тумани СИБ томонидан: 1. 14.07.2009 й. № 1-258-сонли ижро ҳужжатига асосан Т-28х4МС1, д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 3 405 474 сўм. 2. 14.07.2009 й. № 1-258-сонли ижро ҳужжатига асосан 2-ПТС 4793, д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 860 949 сўм. 3. 22.12.2008 й. № 1-369-сонли ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и.ч., Газ-31029, д/р. Z 721 МВМ. Бошланғич баҳоси – 2 095 740 сўм. Бекобод тумани СИБ томонидан: 4. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и.ч., Камаз, д/р. 11 К 3293. Бошланғич баҳоси – 12 542 741 сўм. 5. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. и.ч., Камаз-53212, д/р. 10 R 639 АА. Бошланғич баҳоси – 12 436 200 сўм. 6. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч., Камаз-5320, д/р. 11 I 2685. Бошланғич баҳоси – 10 543 651 сўм. 8. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и.ч., Камаз-53212, д/р. 10 А 245 ВА. Бошланғич баҳоси – 13 734 058 сўм. 9. 31.08.2012 й. № 14510-сонли ижро ҳужжатига асосан Урал, д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 560 310 сўм. 10. 31.08.2012 й. № 14510-сонли ижро ҳужжатига асосан Урал, д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 560 310 сўм. 11. 01.03.2012 й. № 5249-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и.ч., Москвич, д/р. 11 R 9813. Бошланғич баҳоси – 272 501 сўм. Бекобод тумани Ёшлик ХХСКда сақланмоқда. 12. 14.06.2011 й. № 6908-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч., Газ 31105, д/р. 10 Q 367 СА. Бошланғич баҳоси – 5 488 434 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБда сақланмоқда. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан: 13. 18.03.2009 й. № 1-25-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч., М 412 ИЭ, д/р. 11 Z 8304. Бошланғич баҳоси – 485 207 сўм. 14. 20.06.2010 й. № 158-2010-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и.ч., Газ 2417, д/р. 11 М 0152. Бошланғич баҳоси – 873 864 сўм. 15. 25.08.2009 й. № 220/2009-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. и.ч., Ваз 2101, д/р. 11 А 0487. Бошланғич баҳоси – 542 659 сўм. Мариам текстил сервис МЧЖда сақланмоқда. Паркент тумани СИБ томонидан: 16. 06.10.2010 й. № 1-349-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч., Газ 5204, д/р. 10 А 786 ВА. Бошланғич баҳоси – 2 120 792,22 сўм. 17. 10.09.2012 й. № 01-194-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и.ч., Луаз 969, д/р. 11 N 3737. Бошланғич баҳоси – 781 728,57 сўм. 18. 21.09.2012 й. № 104/12/6028-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и.ч., Ваз 21061, д/р. 01 W 937 FA. Бошланғич баҳоси – 3 078 206 сўм. Паркент тумани ХАТП 23-сонли автогаражда сақланмоқда. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: 19. 07.09.2010 й. № 12895-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и.ч., Луаз 395, д/р. 11 D 3910. Бошланғич баҳоси – 1 160 117 сўм. 20. 31.05.2010 й. № 8252-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и.ч., Москвич 412, д/р. 11 S 845 ВА. Бошланғич баҳоси – 1 468 586 сўм. 21. 19.05.2008 й. № 2777-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч., Москвич 412, д/р. 11 V 6328. Бошланғич баҳоси – 511 746 сўм. 22. 31.05.2010 й. № 8252-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и.ч., Ваз 2105, д/р. 11 G 2126. Бошланғич баҳоси – 2 015 612 сўм. 23. 06.10.2011 й. № 10376-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч., Ваз 2102, д/р. 11 Т 7056. Бошланғич баҳоси – 1 312 927 сўм. 24. 26.10.2009 й. № 20789-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и.ч., Ваз 2106, д/р. 11 Y 4226. Бошланғич баҳоси – 857 831 сўм. 25. 17.06.2010 й. № 9297-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и.ч., Газ 24, д/р. 11 Т 8467. Бошланғич баҳоси – 652 510 сўм. Чилонзор тумани СИБ томонидан: 26. 06.07.2012 й. № 1-240/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1998 й. и.ч., Мерседес Бенц Е200, д/р. 01 J 655 FA. Бошланғич баҳоси – 28 800 000 сўм. Тошкент шаҳар, ИИББ ЙХХБнинг Эркин жарима майдончасида сақланмоқда. 27. 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч., Iveko, д/р. 31 R 1924. Бошланғич баҳоси – 98 636 839 сўм. 28. 20.12.2011 й. № 1-541/2011-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и.ч., Hatsan, д/р. 31 R 2316. Бошланғич баҳоси – 51 947 910 сўм. Арқ булоқ ТИФ пости ҳудудида сақланмоқда. Зангиота тумани СИБ томонидан: 29. 25.10.2011 й. ҳамда 04.11.2011 й. ижро ҳужжатига асосан Полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш линияси. Бошланғич баҳоси – 3 493 346 181 сўм. Зангиота тумани, Туркистон қ.ф.й., Туркистон ж.х., собиқ Доз тур ҚХ ҳудудида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 6 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари ва мулклар билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3 уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

